
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ВА
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ]
ЎРТАСИДА

Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими
биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш бўйича

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ЛОЙИХАСИ¹

Тошкент шаҳри
2021 йил

¹ Мазкур ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳаси ТТСга 9-илова бўлиб, Талабгорларни Давлат шериги ва Хусусий шерик ўртасидаги битим шартлари билан таништириш мақсадида тайёрланган. ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳаси Давлат шеригининг битим тузиш тўғрисидаги таклифи ҳисобланмайди.

МУНДАРИЖА

1. АТАМАЛАР ВА БИТИМ ТАЛҚИНИ	4
2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	6
3. БИТИМ ПРЕДМЕТИ, ДХШ ОБЪЕКТИ, БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ	6
4. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ	7
5. ТАРАФЛАРНИНГ ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАРИ.....	8
6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	9
7. ДАВЛАТ ШЕРИГИ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИК ЎРТАСИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ...	13
8. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОБЪЕКТИНИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ЕР МАЙДОНИНИ АЖРАТИШ	14
9. УСКУНАЛАР	14
10. ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ	15
11. ТИББИЙ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ	15
12. ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН РУХСАТНОМАЛАР	16
13. ХОДИМЛАР	16
14. СУҒУРТА.....	16
15. ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ	17
16. АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАР	17
17. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	18
18. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР	19
19. БИТИМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ	20
20. БИТИМНИ БЕКОР ҚИЛИШ	20
21. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ	23
22. ХАБАРДОР ҚИЛИШ.....	23
23. ОШКОР ҚИЛМАСЛИК.....	24
24. ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ, МИҚДОРИ ВА МУДДАТЛАРИ.....	24
25. БИТИМ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	25
26. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ВА УНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ	26
27. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК БИТИМИ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИШ ТАЛАБИ ВА ТАРТИБИ ...	26
28. ЛОЙИХАНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ	26
29. БОШҚА ШАРТЛАР.....	27
30. БИТИМГА ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ.....	27
Битимга 1-ИЛОВА Бинога бўлган техник талаблар	28
Битимга 2-ИЛОВА Тиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклиф	29
Битимга 3-ИЛОВА ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жадвали	31
Битимга 4-ИЛОВА Кўрсатиладиган хизматларнинг ўртача нархи	32
Битимга 5-ИЛОВА Талаб қилинадиган рухсатномалар	33
Битимга 6-ИЛОВА ДХШ лойиҳасининг молиявий ҳолати.....	35
Битимга 7-ИЛОВА Лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари.....	36
Битимга 8-ИЛОВА Инвестиция киритиш, реконструкция қилиш ҳамда ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш бўйича режа-жадвал	37
Битимга 9-ИЛОВА Кадастр хужжати нусхаси (Битим тузилганда илова қилинади)	38

**Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими
биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш бўйича**

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ
КИРИШ**

Давлат шериги - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон қарори билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низомга асосан иш юритувчи юридик шахс.

Хусусий шерик - Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарорига асосан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикни танлаб олиш бўйича тендер комиссиясининг 20__ йил “__” _____даги __-сонли йиғилиш баёни қарори асосида тендер ғолиби деб топилган юридик шахс.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига асосан тендер ҳужжатларида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ тендер ғолиби билан битим тузилади. Мазкур битимда **Хусусий шерик** сифатида [РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ НОМИ] томонидан [РЎЙХАТГА ОЛИНГАН САНА ВА РАҚАМ] билан [ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ] манзилида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган [ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ НОМИ] кўзда тутилган.

Мазкур Битим **Давлат шериги** ва **Хусусий шерик** ўртасида **20__ йил “__” _____ кун**и (кейинчалик матнда - имзоланган сана) Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида тузилди.

Бунда,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сон Фармонида кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги объектлари фақатгина давлат-хусусий шериклик асосида (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилганларидан ташқари) тадбиркорлик субъектларига берилиши мумкинлиги белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ-4290-сон қарори қабул қилинганлигини, 2019 йилнинг 10 майида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни асосида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги;

2021 йил 9 февраль куни **Давлат шериги** томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига асосан Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳа концепциясининг тасдиқланганлиги;

2021 йил 23 июнда **Давлат шериги** томонидан тендер ҳужжатлари тўплами талабгорларга юборилганлиги;

20__ йил “__” _____да Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикни танлаб олиш бўйича тендер комиссиясининг __-сонли йиғилиш баёни қарори асосида тендер ғолиби деб топилганлигини инобатга олган ҳолда, Тарафлар қуйидагилар ҳақида келишдилар:

1. АТАМАЛАР ВА БИТИМ ТАЛҚИНИ

1.1. Атамалар

Ушбу битимдаги атамалар, тўғридан-тўғри бошқача маъно назарда тутилганидан ташқари қуйидаги маъноларга эга:

Ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик).

Ваколат берилган муассаса - **Давлат шериги** томонидан ваколат берилган Битимга мувофиқ **Давлат шеригининг** мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин бўлган давлат муассасалари.

Иш куни - Ўзбекистон Республикасида расман дам олиш куни деб эълон қилинган кунлардан ташқари барча иш кунлари.

Ишга тушириш - давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда лойиҳани амалга оширишда бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мажмуасининг бажарилиши.

Форс-мажор ҳолатлар (енгиб бўлмайдиган кучлар) - бу тарафларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир. Бироқ, фуқаролик ҳуқуқида тузиладиган шартнома тарафларидан бири томонидан мажбуриятлар бузилиши, бажарилиши учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бозорда мавжуд эмаслиги, пул маблағларининг йўқлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Куйидаги ҳолатларнинг бири ёки бир нечтаси **Давлат аралашуви** ҳисобланади:

Давлат шериги ёки давлат ҳокимиятининг бошқа органи томонидан **Хусусий шерик**нинг лойиҳаси ва мол-мулки реквизиция, национализация ёки мусодара қилиниши, шу жумладан, таъсисчиларнинг **Хусусий шерик**даги улуши ёки **Хусусий шерик**нинг бошқа юридик шахслардаги улуши, бинолар ва (ёки) ҳар қандай ускуналар ёки бошқа активларнинг давлат томонидан мусодара қилиниши.

Хусусий шерикка ёки лойиҳага **Давлат шериги** ёки бошқа давлат ҳокимияти органининг лойиҳага салбий таъсир қилувчи ва (ёки) салбий молиявий қонун ҳужжатларига хилоф бўлган ҳар қандай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шу жумладан Давлат-хусусий шериклик объектининг бошқа шахсга ўтказилиши ёки бошқа сабаблар билан **Хусусий шерик**нинг мол-мулкни давлат ҳокимияти органлари аралашуви натижасида бошқа манзилга кўчиришга мажбурлик ҳолатлари.

Хусусий шерикнинг хўжалик фаолиятига **Давлат шериги** ёки бошқа давлат ҳокимияти органлари аралашуви натижасида **Хусусий шерик** томонидан ДХШ тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишини маълум даражада қийинлаштириши.

Миллий даволаш стандартлари - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган даволаш ва ташхис қўйиш стандартлари, клиник баённомалар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Давлат-хусусий шериклик объекти - **Хусусий шерикка** ДХШ лойиҳаси доирасида реконструкция қилиш, жиҳозлаш, молиялаштириш ва фойдаланиш мақсадида ажратилган Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биносининг 4 000 кв.метрдан иборат ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ҳисобланади;

ДХШ – давлат-хусусий шериклик.

Давлат ҳокимияти органи - Ўзбекистон Республикасининг барча вазирликлари, қўмиталари, ҳокимият органлари, бошқармалар, давлат ҳокимиятининг бўлинмалари ва қўмиталари, шу жумладан, республика, марказий, вилоят ва туман ҳокимият органлари, судлар, шу жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бўлинмалари ва органлари, сайлов органлари, назорат қилувчи ва тартибга солувчи органлар, қонунчиликка кўра, давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат томонидан иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мақсадларида тузилган ташкилотлар ва органлар, давлат хизматларини тақдим этиш учун меъёрий ҳужжат асосида тузилган юридик шахслар;

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим – “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари акс эттирилган ёзма шаклдаги ҳужжатдир. (кейинги ўринларда Битим деб юритилади).

Техник таклиф – Тиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклиф.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битимнинг тарафлари – **Давлат шериги** ҳамда **Хусусий шерик** ҳисобланиб, мазкур Битимда кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади.

2.2. **Давлат шериги** томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар **Давлат шериги** томонидан ушбу Битимга мувофиқ **Давлат шеригининг** мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Бунда, мазкур Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун **Давлат шериги** тўлиқ жавобгар бўлади.

2.3. **Хусусий шерик** Битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бунда Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун **Хусусий шерик** тўлиқ жавобгар бўлади.

2.4. Мазкур Битим бўйича барча ҳуқуқларини ёки ҳуқуқларининг бир қисмини бошқа шахсга ўтказган ҳолатларда, ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказётган Тараф мазкур Битим бўйича мажбуриятларидан озод қилинмайди.

2.5. Мазкур Битим, жумладан унинг иловалари Битим предметиға нисбатан Тарафлар ўртасидаги барча аввалги оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ёки қарорларни бекор қилувчи ва улардан устун турувчи тўлиқ келишувни англайди. Мазкур Битимнинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бир хил юридик кучға эгадир.

2.6. Мазкур Битимнинг барча қоидалари ва шартлари мажбурий характерға эга ҳамда Тарафларға ёки Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра уларнинг тегишли ҳуқуқ ва (ёки) мажбуриятлари берилиши мумкин бўлган шахсларға нисбатан қўлланилади.

3. БИТИМ ПРЕДМЕТИ, ДХШ ОБЪЕКТИ, БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

3.1. Битим предмети

Битим предмети ДХШ асосида Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биносининг 4 000 кв.метрдан иборат ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлари негизида Битим шартларида белгиланган талаб ва тартибларда тиббиёт марказини ташкил этиш;

аҳолиға тиббий ва нотиббий хизматлар кўрсатиш;

Битимда белгиланган шартларға мувофиқ, **Хусусий шерик** битим муддати тугагандан кейин Битим объектини тўлалигича **Давлат шериги**ға қайтариши шарт.

3.2. Давлат-хусусий шериклик объекти

ДХШ объекти Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биноси 4 000 кв.метрдан иборат ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек ДХШ лойиҳасини амалға ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ҳисобланади (кадастр ҳужжатлари илова қилинади).

3.3. Битимнинг кучға кириш ва амал қилиш муддати

3.3.1. Битим, **Давлат шериги** ва **Хусусий шерик** томонидан имзоланган кунда кучға киради ва 20__ йил “__” _____ Тошкент вақти билан соат 23:59 гача, 10 (ўн) йил давомида амал қилади.

3.3.2. Битим, мазкур Битимнинг 20-бандида назарда тутилган асосларга кўра ва белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

3.3.3. Битимга мазкур Битимнинг 19-бандига биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

4. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. **Хусусий шерик** ДХШ объектини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун умумий қиймати _____ (_____) сўм, шундан мазкур Битимнинг 1-иловасига асосан келтирилган Давлат биносига қўйиладиган техник талабларга мувофиқ, мазкур Битимнинг 2-иловасида келтирилган техник таклифлар асосида реконструкция қилиш учун _____ (_____) сўм миқдоридан (____ фоиз) ҳамда жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун _____ (_____) сўм миқдоридан (____ фоиз) молиялаштиради.

4.2. **Хусусий шерик** ДХШ объектида намунавий лойиҳаларга мувофиқ реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жорий таъмирлаш, жиҳозлаш ва объект фаолиятини ишга тушириш бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

4.3. **Хусусий шерик** томонидан ДХШ объектининг қурилиш ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ пудрат ишлари учун шартномалар тузиш муддати, ДХШ объекти **Хусусий шерикка** берилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кунидан ошмаслиги шарт.

4.4. **Давлат шериги** ДХШ лойиҳаси бажарилиши устидан ҳар олти ойда мониторинг ўтказиши ва у қай даражада бажарилганлигини ўрганади ҳамда баҳолаб боради. Агар камчиликлар аниқланса, уни бартараф этиш бўйича муддатини кўрсатган ҳолда **Хусусий шерикка** талабнома юборади.

4.5. ДХШ объектини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатиш ҳамда модернизациялаш, сақлаб туриш билан боғлиқ барча харажатлар **Хусусий шерик** маблағлари ва фаолият йўналишидан келиб тушадиган бошқа маблағлар, кредитлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4.6. **Хусусий шерикнинг** инвестиция мажбуриятларининг бажарилганлигини эътироф этиш, ДХШ лойиҳаси бўйича инвестиция мажбуриятлари ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жадвали асосида бажарилганидан кейин, 1 (бир) ойдан ошмайдиган муддатда, **Хусусий шерик** томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотларга асосан **Давлат шериги** томонидан тузиладиган комиссия ҳулосаси асосида амалга оширилади.

4.7. **Хусусий шерик** Давлат-хусусий шериклик объектидан эгалик қилиш ёки фойдаланишда Битимнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” фойдаланади.

4.8. Ушбу объект тижорат банкларидан олинadиган кредитларга ва бошқа ташкилотлардан олинadиган қарз учун гаров таъминоти сифатида топширилмайди ва қабул қилинмайди.

4.9. Ушбу Битимда белгиланган мажбуриятларни бажариш учун Битимда назарда тутилмаган кўшимча сарф-харажатлар юзага келган тақдирда, кўшимча сарф-харажатларнинг юзага келиш хавфини Тарафлар Битимда белгиланган мажбуриятларга асосан тегишлилиги бўйича бажаришни ўз зиммасига олади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАРИ

5.1. Давлат шеригининг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Давлат шериги Хусусий шерикка** қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

Давлат шериги Битимни тузиш ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга бўлган ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан фаолиятини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади;

ушбу Битимнинг имзоланиши ва бажарилиши билан боғлиқ ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар **Давлат шериги** фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатлар талабларини бузмайди;

ушбу Битим **Давлат шеригининг** ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларини ифодалайди;

ушбу Битим бўйича юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига асосан суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

5.2. Хусусий шерикнинг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Хусусий шерик Давлат шеригига** қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

Хусусий шерик Битимни имзолашга ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга ваколатли, белгиланган тартибда таъсис этилган, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахс ҳисобланади;

ушбу Битимнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар тартиб-қоидалари ёки **Хусусий шерик** фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатлар қонун талабларини бузмайди;

ушбу Битим **Хусусий шерикнинг** ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва мажбурий бажарилиши лозим бўлган мажбуриятини ифодалайди;

Хусусий шерик фаолиятини тугатиш жараёнида ёки хавфи остида эмас ҳамда тўловга лаёқатсиз (банкрот)лик хавфи остида эмас;

Хусусий шерик Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни кафолатлайди ҳамда Битим шартларининг бир ёки бир нечтаси бажарилмаслиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар эканлигини тасдиқлайди;

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси бюджети ёки бюджетдан ташқари жамғармаларига тўланиши лозим бўлган, ҳар қандай даражадаги солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликка эга эмас;

Хусусий шерикнинг мансабдор шахслари фирибгарлик, коррупция, тил бириктириш, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга зарар етказиш билан боғлиқ жиноят учун судланмаган ҳамда жорий йилда жиноий фаолияти учун тергов жараёнида эмас.

5.3. Кафолатларнинг бузилиш оқибатлари

Ҳар бир Тараф мазкур Битимнинг 5-бўлимида келтирилган, бошқа Тараф кафолатларидан бирининг нотўғри, ноаниқ ёки чалкашликка олиб келиши натижасида етказилган ёки ишонтириш ва кафолатлар шартларини бузиш оқибатида юзага келган зарарлар, харажатлар ва бошқа қарз мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундириш ҳуқуқига эга.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Битимда кўрсатилган Тарафларнинг мажбуриятларини бажарилиши устидан ҳар олти ойда бир марта **Хусусий шерикни** хабардор қилган ҳолда, мониторингни амалга ошириш, зарур ҳолларда навбатдан ташқари мониторинг амалга ошириш;

6.1.2. **Хусусий шерикдан** мазкур Битим шартлари бажарилиши тўғрисида ҳисобот олиш;

6.1.3. Битим шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва амалга оширилиш натижаларини баҳолашни амалга ошириш;

6.1.4. Қонун ҳужжатларига ва мазкур Битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилиш;

6.1.5. Битим бўйича **Хусусий шерикнинг** айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

6.1.6. Битим шартлари **Хусусий шерик** томонидан бузилган тақдирда, Битимнинг суд тартибида бекор қилинишини талаб қилиш;

6.1.7. Битимда белгиланган мажбуриятларни амалга ошириш учун маслаҳатчиларни жалб қилиш;

6.1.8. Битимни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар, экспертларнинг ёзма хулосаларини ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

6.1.9. Давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга сўровномалар билан муружаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

6.1.10. **Хусусий шерикнинг** иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

6.1.11. **Хусусий шерикка** нисбатан **Хусусий шерикнинг** фаолиятига таъсир қилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан

ўтказилган ҳар қандай мониторинг ва текширишларга қўшимча равишда **Давлат шериги** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш соатлари давомида ДХШ объектига ташриф буюриш ёки **Хусусий шерик**дан лойиҳани амалга оширишга оид ҳужжатларни ва маълумотни талаб қилиш, бунда камида 3 (уч) календарь куни олдин **Хусусий шерик**ни хабардор қилиш;

йилига камида бир марта (агар қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ёки Тарафларнинг келишувига асосан бошқача тартиблар мавжуд бўлмаса), ўз ҳисобидан мустақил равишда ёки мустақил аудитор ёрдамида **Хусусий шерик**нинг молиявий фаолиятини уни хабардор қилган ҳолда текшириш ёки текширтириш мумкин.

6.2. Давлат шериги қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

6.2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Битимда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, **Хусусий шерик** фаолиятига аралашмаслик, шунингдек, **Хусусий шерик** мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлардан ўзини тийиш;

6.2.2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, жумладан ДХШ тўғрисидаги Қонун, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Битим талабларига риоя этиш;

6.2.3. **Хусусий шерик**ка ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган жой ва объект билан танишиб чиқиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

6.2.4. ДХШ объектини **Хусусий шерик**ка Битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун Битимда белгиланадиган муддатга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш мақсадида Битим шартларига мувофиқ ер участкасини қайтариш шарти билан бериш;

6.2.5. Битимни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар ва рухсатномаларни олишда **Хусусий шерик**ка қўмаклашиш;

6.2.6. **Хусусий шерик**ка қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ имтиёзлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа преференциялар тақдим этилишида қўмаклашиш;

6.2.7. Ваколатли давлат органига Битимнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан Битимларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни Битим ёхуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан 20 (йигирма) календарь кун ичида тақдим этиш;

6.2.8. **Хусусий шерик**нинг мазкур Битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чекламаслик;

6.2.9. ДХШ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва Битимда назарда тутилган жавобгарликни ўз зиммасига олиш;

6.2.10. Битим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиш;

6.2.11. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда Битимнинг ўз вақтида тузилишини, ўзгартирилишини ёки узайтирилишини Битимда кўрсатилган шартлар асосида таъминлаш;

6.2.12. Битим бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш.

6.3. Хусусий шерик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.3.1. **Давлат шеригидан** Битим шартларини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олиш;

6.3.2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритиш;

6.3.3. Лойиҳа доирасида фойда олиш ва уни эркин тасарруф этиш;

6.3.4. Битим амал қиладиган муддатда фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган ДХШ объектига битимда белгиланган муддатда вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш;

6.3.5. **Давлат шериги** ва ёки **Давлат хокимияти органининг** айби билан Битим бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилиш;

6.3.6. **Давлат шеригидан** Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш;

6.3.7. Битимни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

6.3.8. Давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

6.3.9. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш;

6.3.10. **Давлат шеригининг** розилиги ва рухсати билан ДХШ объектининг бир қисмини ижарага бериш;

6.3.11. ДХШ объектининг ҳар қандай модификациясини амалга ошириш, шу жумладан, **Хусусий шерик** ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган бинони реконструкция қилиш, муҳандислик тизими ва ускуналарни алмаштириш кабилар.

6.4. Хусусий шерик қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

6.4.1. Битим шартларига кўра, Давлат-хусусий шериклик объектини ўз жавобгарлиги остида ва маблағлари ҳисобига лойиҳалаштириш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишни амалга ошириши ҳамда ушбу Битим билан ўрнатилган ёки ундан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш;

6.4.2. Миллий даволаш стандартларига мувофиқ ушбу Битим талабларига мос тиббий хизматларни кўрсатиш;

6.4.3. Лойиҳани амалга ошириш графигига асосан, лойиҳани ўз муддатида амалга ошириш;

6.4.4. Фаолият олиб бориш давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилиш;

6.4.5. Ўз ҳисобидан **Хусусий шерик** мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ва бу борада юзага келадиган барча харажатларни, шу жумладан, ДХШ объектини

реконструкция қилиш ва ускуналарни ишлатиш, маҳсулот харажатлари, ходимлар иш ҳақини тўлаш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, суғурта ва бошқа харажатларни амалга ошириш;

6.4.6. **Хусусий шерик** мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилаётган ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик хавфини туғдираётган шароитлар ҳақида **Давлат шеригини** ўз вақтида хабардор қилиш;

6.4.7. Битим тасдиқланган кундан бошлаб, қайта ташкил этиш, акцияга эгалик улушининг бўлиб олиниши ва ўзгаларга ўтказилишига йўл қўймаслик, **Давлат шериги** билан келишилган ҳолатлар бундан мустасно;

6.4.8. Битим шартларини ёки лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

6.4.9. Битим амал қилиш муддати тугаши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши муносабати билан Давлат-хусусий шериклик объектини барча модификациялари, ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ барча тегишли жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва техникалар, шунингдек, техник ҳужжатларни, бино-иншоотларни инвентарлари билан **Давлат шеригига** соз ҳолатда қайтариши;

6.4.10. Давлат-хусусий шериклик объектини техник талабларга мос ва ускуналарни тиббий хизматлар кўрсатиш учун яроқли бўлган ҳолатда сақлаш;

6.4.11. Лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ талаб этиладиган таъминотдан ташқари ДХШ объектига бўлган ҳуқуқларнинг ҳар қандай бўлиниши, гарови, тақик қўйилиши ёки бошқа манфаатли муносабатнинг вужудга келишига йўл қўймаслик;

6.4.12. ДХШ объектига ёки уларга бўлган ҳуқуқларга ҳеч қандай зарар етказмаслик (ишлаб чиқариш жараёнини, инвестицион ҳолатни яхшилаш учун зарур бўлган ҳолатлар бундан мустасно) ёки ДХШ объектига бўлган ҳуқуқларнинг учинчи шахсларнинг ҳар қандай талабларидан ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўриши;

6.4.13. ДХШ объектига бўлган ҳуқуқни хавф остига қўядиган ҳолатлар юзага келганда, ДХШ объектига бўлган ҳуқуққа амал қилинишини таъминлаш мақсадида бу ҳақда дарҳол **Давлат шеригини** ёзма равишда хабардор қилиш;

6.4.14. **Давлат шериги** томонидан ДХШ объектини кўздан кечириш санаси олдиндан хабардор қилиниши шarti билан ДХШ объектининг тиббиёт ташкилотлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган талабларга мослигини ўрганиш учун **Давлат шеригини** уларга кириш ва кўздан кечириш имконини бериш;

6.4.15. **Давлат шеригининг** талаби билан **Хусусий шерик** ДХШ объектининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мослигини тасдиқловчи барча ҳужжатлар ва маълумотлар нусхаларини тақдим этиш;

6.4.16. Экологик ёки ижтимоий хавфларни ва лойиҳа таъсирини бошқариш учун **Хусусий шерик** томонидан Битимнинг амал қилиш муддати давомида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

6.4.17. **Хусусий шерик** ДХШ объектини реконструкция қилиш, таъмирлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тиббиёт марказини эксплуатация қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиши шарт. Хусусан, ҳар қандай қурилиш ва таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, шунингдек,

архитектура хавфсизлиги, зилзилага чидамлилиқ стандартлари, ёнғиндан ҳимоя қилиш қоидалари, юридик суғурта талаблари ва ногиронлар учун фойдаланиш талабларига эга бўлган қурилиш стандартларига мувофиқ амалга оширилиши шарт. Реконструкция қилиш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бошланишидан олдин **Хусусий шерик** барча зарур рухсатномаларни олиши ва тегишли фаолиятни давлат органлари томонидан тасдиқланган рухсатномалар ва лойиҳага мувофиқ амалга ошириш;

6.4.18. **Хусусий шерик** ҳар қандай бино ва иншоотлар қурилишида хавф-хатарларга асосланган таҳлилни ўтказиш учун шахсий ва ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассисни жалб қилиши ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига биноан хавфларни энг қуйи даражага туширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

6.4.19. **Хусусий шерик** ҳар олти ойда **Давлат шеригига** лойиҳанинг бажарилиши тўғрисида мониторинг ҳисоботини тақдим этади;

6.4.20. **Хусусий шерик** ўз маблағлари ҳисобидан мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни олиш, уларга бўлган ҳуқуқларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш ва интеллектуал мулкка лицензияни олиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

7. ДАВЛАТ ШЕРИГИ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИК ЎРТАСИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

7.1. Битим бўйича **Хусусий шерик** ўз мажбуриятларини ва қўшимча харажатларни бажармай қолиш хавфи, шу жумладан Битим бўйича белгиланган мол-мулкни сақлаш, мулкка тасодифий зарар етказиш хавфини қоплайди

7.2. Тарафлар ўртасида хавф-хатарлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

Давлат шериги қуйидаги хавф-хатарларни ўз зиммасига олади:

ДХШ объектини ажратиш билан боғлиқ хатарлар;

қурилиш билан боғлиқ хатарлар (аниқ бўлмаган, масалан: археологик топилма, хавфли ҳудуд, ер ости табиий қазилмалар, лойиҳани ишлаб чиқишда келиб чиқадиган экологик хатар);

қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари;

Давлат ҳокимияти органининг лойиҳага салбий таъсир этувчи қарорларни қабул қилиши;

сиёсий беқарорлик хатарлари.

Хусусий шерик қуйидаги хавф-хатарларни ўз зиммасига олади:

мазкур Битимни ва лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар;

дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи;

яширин нуқсон хавфи;

молиявий хатарлар;

лойиҳа объектини реконструкция қилиш билан боғлиқ хатарлар (аниқ бўлган);

лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар;

лойиха битими тузилганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар (**Хусусий шерик** томонидан);

таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар;

операцион хатарлар;

экологик-ижтимоий хатарлар (эксплуатация билан боғлиқ);

оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар;

тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар;

талаб билан боғлиқ хатарлар;

бошқа хавф-хатарлар.

8. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОБЪЕКТНИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ЕР МАЙДОНИНИ АЖРАТИШ

8.1. ДХШ объектига бўлган ҳуқуқларни олгандан кейин, **Хусусий шерик**, зарур ҳолатларда, бинони лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, фойдаланиш, муҳандислик тармоқларига улаш, нуқсонларни бартараф этиш каби ишларни амалга ошириши, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш жадвали билан белгиланган муддатларда техник талаблар, техник таклифлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига кўра бинони тиббий хизматлар кўрсатиш учун зарур ҳолатда сақлаши лозим.

8.2. ДХШ объекти **Хусусий шерикка** Битимнинг амал қилиш муддати доирасида берилади. **Давлат шериги** ёки бошқа давлат ҳокимияти органи билан янги ёки қўшимча келишувлар ёки бино ижараси шартномалари тузилиши талаб этилмайди.

8.3. **Давлат шериги** Битимда назарда тутилган муддатларда ДХШ объектини **Хусусий шерикка** берилиши учун **Давлат шериги** томонидан тақдим этилиши лозим бўлган барча ҳужжатларни **Хусусий шерикка** ёки тегишли ташкилотларга тақдим этиши шарт.

8.4. **Хусусий шерикнинг** ДХШ объектига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ДХШ объекти **Хусусий шерикка** берилган ҳисобланади.

8.5. Битимда назарда тутилган ДХШ объекти жойлашган ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси, Битимнинг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатларга **Хусусий шерикка** вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш мақсадида вақтинчалик тақдим этилади.

8.6. Битимнинг тугатилиши ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун берилган ер участкасига нисбатан шартномавий муносабатларни тугатиш учун асос бўлади.

9. УСКУНАЛАР

Хусусий шерик тиббий хизматларни кўрсатишга мўлжалланган ускуналарга бўлган эгалик ҳуқуқини ўз ҳисобидан қўлга киритади ва ускуналар импорти, рўйхатдан ўтказилиши сертификатлаштирилиши, декларацияланиши, ўрнатилиши, техник хизмат кўрсатилиши, таъмирланиши, эҳтиёт қисмлари ва элементлари алмаштирилиши, ишлатилиши ва бошқарилишини, шунингдек, ускуналарни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос ҳолатда бўлишини таъминлайди.

10. ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ

Хусусий шерик Битим кучга кириш санасидан кейин ___ (_____) ой муддат ичида мазкур Битимнинг 3-иловасига асосан тиббиёт марказини ишга туширишнинг қуйидаги шартларини бажариши керак:

ДХШ объектига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлардан нусха (ДХШ объектига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва реконструкция қилинган бино-иншоотларни фойдаланишга топшириш далолатномаси)ни **Давлат шеригига** тақдим этиш;

талаб қилинадиган барча лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва рухсатномаларни олиш;

ускуналарни ўрнатиш ва унга техник хизмат кўрсатилиши учун ходимларни тайёрлаш ҳамда техник таклифда кўрсатилгани каби ишга тушириш бўйича барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш;

хизмат кўрсатилиши учун зарур бўлган ходимлар тайёргарлигини таъминлаш.

11. ТИББИЙ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

11.1. **Хусусий шерик** ДХШ тўғрисидаги мазкур Битимда назарда тутилган тартибда ва муддатларда тиббий фаолият учун лицензия олган санадан бошлаб, **Давлат-хусусий шериклик** объектида тиббий хизматларни кўрсатади. **Хусусий шерик** миллий даволаш стандартларида белгиланган стандартлардан паст бўлмаган даражадаги техник таклифга мос тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

11.2. **Хусусий шерик** томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархи ва ҳажми мазкур Битимнинг 4-иловасида ўртача нархлар доирасида белгиланади. **Хусусий шерик** хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа харажатларнинг ўзгариши муносабати билан нархларнинг оширилиши тўғрисида **Давлат шеригининг** сўровига асосан уни хабардор қилади.

11.3. **Хусусий шерик** давлат буюртмасига асосан давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат кўрсатадиган бўлса, ушбу хизматларнинг нархи **Давлат шериги** билан келишилган ҳолда белгиланади.

11.4. Давлат томонидан назорат қилинадиган нархлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

11.5. **Хусусий шерик** техник таклифга ва миллий даволаш стандартларига амал қилмаса, **Давлат шериги** миллий даволаш стандартларига риоя қилинмаслигини баргараф этиш ва олдини олиш талаби билан **Хусусий шерикка** қоидабузарлик тўғрисидаги тегишли хабарномани жўнатиши ҳамда **Хусусий шерик** томонидан камчиликларнинг баргараф этилиш муддати аниқ кўрсатиши лозим.

Хусусий шерик томонидан хабарномада кўрсатилган муддатда камчиликлар баргараф этилмаса, **Давлат шериги** Битимнинг 20-бандида белгиланган тартибда Битимни муддатидан олдин бекор қилиш талаби билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11.6. Қўшимча хизматлар

11.6.1. **Хусусий шерик** тиббий хизматларни ҳамда ўз Низомида тасдиқланган тиббий ва нотиббий хизматларни **Давлат шериги** билан келишган ҳолда кўрсатади.

Бунда, кўрсатиладиган кўшимча нотиббий хизматлар учун фойдаланиладиган майдон ДХШ объектининг умумий майдонининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

11.6.2. Кўшимча хизматлар нархлари, тартиби ва уларни тақдим этишнинг бошқа шартлари бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда **Хусусий шерик** томонидан белгиланади.

11.6.3. **Хусусий шерик** айби билан тиббий хизматлар белгиланган тартибда ва ўз вақтида кўрсатилмаса, **Давлат шериги Хусусий шерикдан** кўшимча хизматлар кўрсатилишини тўхтатишни талаб қилишга ҳақли.

11.7. Дастурий таъминот ва беморларни рўйхатга олиш тизимининг юритилиши

11.7.1. **Хусусий шерик** ўз ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда беморларни рўйхатга олиш журнали ва бошқа ҳужжатларнинг юритилишини, дастурий таъминот ҳамда бошқа электрон маълумотлар алмашинувини жорий этилишини таъминлаши шарт.

11.7.2. **Хусусий шерик** Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган талабларга асосан беморлар, бинолар, ускуналар бўйича ва бошқа маълумотларни йиғиш ва маълумотлар базасини юритиши лозим.

12. ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН РУХСАТНОМАЛАР

12.1. **Хусусий шерик** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тиббий хизматлар кўрсатиш, ускуналардан фойдаланиш, ходимларни ишга олиш ва ўқитиш ҳамда **Хусусий шерикнинг** бошқа мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган Битимнинг 5-иловасида келтирилган лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва рухсатномаларни олиши шарт. Битимнинг амал қилиш муддатида талаб қилинадиган барча рухсатномалар ҳақиқийлиги ва ўз вақтида узайтирилиши учун **Хусусий шерик** жавобгар бўлади.

12.2. Талаб қилинадиган рухсатномаларга бериладиган аризалар, уларни олиш ва узайтириш билан боғлиқ барча харажатлар **Хусусий шерик** томонидан қопланади.

13. ХОДИМЛАР

13.1. **Хусусий шерик** Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг лавозимлар классификаторида келтирилган, миқдорий талабларга жавоб берадиган малакага эга ходимларни ишга ёллади ва меҳнат муносабатларини юритади.

13.2. Битим муддати давомида **Хусусий шерик** техник тақлифда белгиланган тартибда ходимлар малакасини ошириш тизимини ташкил этиши ва қўллаб-қувватлаши шарт.

14. СУҒУРТА

Хусусий шерик ДХШ объектини Битим муддати доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ суғурталаш шарт.

Хусусий шерик мазкур Битим муддати давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда бошқа турдаги суғурталаш чораларини ҳам амалга оширади.

15. ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

15.1. Лойиҳани молиялаштиришда **Хусусий шерик** ўз маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлари ҳисобидан амалга ошириши мумкин.

15.2. **Давлат шериги** мазкур лойиҳа доирасида **Хусусий шерикка** ДХШ объектдан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш даврида кафолатли тўловларни такдим этмайди.

15.3. Мазкур лойиҳа доирасида фойдаланганлик учун тўлов - **Хусусий шерик** томонидан кўрсатилган хизматлар учун истеъмол қилувчилардан йиғиб олинadиган тўловларни англатади.

15.4. **Хусусий шерик** Битимнинг рентабеллик даражасини мазкур Битимнинг б-иловасида келтирилган ҳисоб-китоблардан кам бўлмаслигини таъминлаши лозим.

15.5. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий тиббиёт ташкилотлари учун қўлланиладиган имтиёзлар мазкур лойиҳага нисбатан ҳам татбиқ этилади.

15.6. **Хусусий шерик** ҳар бир тиббий хизмат нархини бир йилда бир марта ўзгартиришга ҳақли. Бунда кейинги нарх ўзгариши **Хусусий шерик** томонидан фойдаланиладиган инфратузилма, ускуналар, хизмат кўрсатиладиган масофа ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистонда истеъмол нархлари индексидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

16. АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАР

16.1. Алоҳида ҳолатлар деганда қуйидагилар кўзда тутилади:

16.1.1. **Хусусий шерик** томонидан тегишли лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва рухсатномаларни олиш учун Битим ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ барча зарур ҳаракатлар бажарилган ҳолда, тегишли рухсатномаларни олмаслиги ёки ўз вақтида олмаслиги.

16.1.2. **Хусусий шерикнинг** фаолият юритишига жиддий таъсир кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришлар.

16.1.3. Давлат аралашуви.

16.1.4. **Хусусий шерик** томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини ёки **Хусусий шерикнинг** бино-иншоотга бўлган бошқа ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш бўйича талабларни бажарган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органи томонидан **Хусусий шерикнинг** мулкка бўлган эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини ёки **Хусусий шерикнинг** бино-иншоотга бўлган бошқа ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш ёки тан олиш мажбуриятини бузиш.

16.2. Алоҳида ҳолатлар юзага келишининг оқибатлари

16.2.1. Агар алоҳида ҳолатлар натижасида **Хусусий шерик** Битимда, шу жумладан, лойиҳани амалга ошириш графигида белгиланган миқдор ва муддатларда мажбуриятларни бажара олмаса, кўрсатилган муддатлар вужудга келган оқибатларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

16.2.2. Агар алоҳида ҳолатлар натижасида **Хусусий шерик** ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки ўз вақтида бажара олмаса, **Давлат шериги** ва **Хусусий шерик** ўртасида икки томонлама келишув асосида чоралар кўрилади.

16.3. Алоҳида ҳолатлар юзага келганда Тарафларнинг ҳаракатлари

16.3.1. Алоҳида ҳолат юзага келганда **Хусусий шерик** қуйидагиларга мажбур:

16.3.2. Алоҳида ҳолат оқибатларини юмшатиш учун барча зарурий чоралар, жумладан, алоҳида ҳолат натижасида етказилган зарарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

16.3.3. Юзага келган алоҳида ҳолат шароитида, ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини мумкин даражада оқилона бажаришни давом эттириш;

16.3.4. Алоҳида ҳолат аниқланган кундан эътиборан 5 (беш) календарь кундан кечиктирмай, алоҳида ҳолат юзага келганлиги тўғрисида **Давлат шеригига** унинг юзага келиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юбориш;

16.3.5. **Давлат шериги Хусусий шерикдан** алоҳида ҳолатлар тўғрисида билдиришнома олинган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь кун давомида **Хусусий шерикдан** қўшимча маълумот ва тушунтиришлар, шу жумладан, қўшимча ҳисоб-китоблар ва тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир. **Хусусий шерик** 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай талаб этилган ҳужжатларни, молиявий йўқотишлар ҳақидаги маълумотларни ва тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

16.3.6. **Хусусий шерикдан** алоҳида ҳолатлар тўғрисида хабарнома олинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь кун ичида **Давлат шериги Хусусий шерикка** алоҳида ҳолатлар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган ҳолатлар бўйича розилик ёки асосланган эътирозларини билдирган ҳолда ёзма жавоб юбориши лозим.

16.3.7. **Давлат шериги** Алоҳида ҳолат тўғрисидаги билдиришномада келтирилган материаллар, маълумотлар ва ҳисоб-китобларга нисбатан асосланган эътирозларини юборган тақдирда, **Хусусий шерик Давлат шеригидан** асосли эътирозлар олинган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь кун ичида:

тегишли материаллар, маълумотлар ва ҳисоб-китобларга керакли тузатишлар киритиш ва **Давлат шеригига** махсус ҳолатлар тўғрисида билдиришнома юбориши, ва шундан кейин Битимнинг 16.3.1-16.3.3-бандлари талабларига риоя этиши;

ёки **Давлат шеригига** унинг эътирозларига рози эмаслиги тўғрисида хабарнома юбориши лозим. Бундай ҳолда, Тарафлар ўртасидаги низо Битимнинг 21-бандида кўрсатилган низоларни ҳал қилиш тартибига мувофиқ ҳал қилинади.

17. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

17.1. Битимнинг Тарафлари ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонунга мувофиқ мулкӣ жавобгар бўлади.

Тарафлардан бири ушбу Битимда назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бошқа Тараф етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

17.2. **Хусусий шерик** ДХШ объекти ва жиҳозларидаги ҳар қандай камомад учун жавобгардир.

17.3. Битимда кўзда тутилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, Битим бўйича ҳуқуқлари бузилган Тараф ҳуқуқлари бузилган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь кун ичида бошқа Тарафга бузилишни бартараф этиш тўғрисида ёзма талабнома юбориши лозим. Тарафлар ёзма талабнома юборилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь кун

ичида барча имкониятларни ишга солган ҳолда ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятларнинг бузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида келишиб олишга мажбурдир. Агар келишмовчиликлар 30 (ўттиз) календарь кун ичида бартараф этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳал этилади.

17.4. Ҳар бир Тараф бошқа Тарафнинг Битим бўйича ўз мажбуриятларини Битимда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида юзага келган зарарлар, харажатлар ва бошқа мажбуриятларнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

17.5. **Давлат шериги Хусусий шерикка** мажбуриятларни бажармаганлиги, бепарволик ёки эҳтиётсизлик билан лозим даражада бажармаганлиги ёки учинчи томоннинг даъволари, талабларига кўра етказилган зарарни мазкур Битимда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда қоплаши шарт.

17.6. **Хусусий шерик Давлат шеригига** лойиҳа фаолияти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлиги, эҳтиётсизлик билан лозим даражада бажармаганлиги ёки учинчи томоннинг даъволари, талабларига кўра етказилган зарарни мазкур Битимда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда қоплаши шарт.

17.7. Тарафлар зарарлар, харажатлар ва бошқа мажбуриятларнинг миқдорини тегишли ёзма тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда исботлашлари шарт. Агар Тарафлар етказилган зарар, харажатлар ва бошқа мажбуриятлар миқдори тўғрисида келиша олмасалар, масала тегишли тартибда мазкур Битимнинг 21-бандига асосан ҳал қилинади. Зарарлар, харажатларни ва бошқа мажбуриятларни қоплаш, жарималарни тўлаш Тарафларни Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

18. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

18.1. Агар мажбуриятлар бажарилмаслиги Форс-мажор ҳолати сабабли юзага келган бўлса ва Тарафлар Форс-мажор ҳолатларининг салбий таъсирини камайтириш учун барча оқилона чораларни кўрган ҳолатларда, Тарафлар Битим бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

18.2. Форс-мажор ҳолатлари юз берган тақдирда, Тарафларнинг ишлаш тартиби

18.2.1. Мажбуриятларни енгиб бўлмас куч оқибатида бажара олмаган Тараф (зарар кўрган Тараф) бу ҳақда бошқа Тарафни Форс-мажор ҳолати содир бўлган кундан бошлаб, 3 (уч) календарь кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

18.2.2. Хабарномада Форс-мажор ҳолати тавсифи, Форс-мажор ҳолати ва Битим бўйича зарар кўрган Тарафнинг мажбуриятларини бажаришига таъсири тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, зарар кўрган Тараф Форс-мажор ҳолати оқибатларини камайтириш учун кўрмоқчи бўлган ҳаракатлар кўрсатилиши керак.

18.2.3. Форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида хабар олган кундан бошлаб Тарафлар 10 (ўн) календарь кун ичида ўзаро Форс-мажор ҳолати ва унинг оқибатларини муҳокама қилиш учун йиғилади. Қонун ҳужжатлари доирасида зарар кўрган Тарафнинг ушбу Битим мажбуриятларини бажаришнинг энг самарали ҳаракатлар режаси, шунингдек,

Форс-мажор ҳолатининг бошланиши сабабли, муддатни ўзгартириш зарурияти ўрганилади.

18.2.4. Форс-мажор ҳолати оқибатида зарар кўрган Тараф Форс-мажор ҳолатининг салбий таъсирини юмшатиш ва Битим бўйича мажбуриятларни бажаришни тезроқ тиклаш учун барча оқилона чораларни кўриши шарт.

18.2.5. Агар Форс-мажор ҳолатлари кетма-кет 6 (олти) ойдан кўпроқ давом этса, Тарафлардан бири ушбу Битимни бажаришдан бош тортишга ва Битимнинг 20.7.1-бандида белгиланган тартибда Битимни суд тартибидан муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

19. БИТИМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

19.1. Мазкур Битимга қонун ҳужжатларида ва Битимда белгиланган қуйидаги ҳолатларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра;

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра.

19.2. Тарафлардан бирининг талабига кўра, бошқа Тараф Битимни жиддий равишда бузган тақдирда суднинг қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

19.3. Битимни бажариш тўлиқ ёки қисман бир томонлама тарзда рад этилган тақдирда, бундай рад этишга қонунда ёки мазкур битимда йўл қўйилса, Битим бекор қилинган деб ҳисобланади.

19.4. Битимни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

19.5. Ушбу Битимга киритилган барча ўзгартиришлар қўшимча келишув тузиш йўли билан ёзма шаклда расмийлаштирилади ва ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Бунда, Битим қандай шаклда тузилган бўлса, Тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

19.6. Ушбу Битим муддатларида Битим шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда, Битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

20. БИТИМНИ БЕКОР ҚИЛИШ

20.1. Ушбу Битим қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

Тарафларнинг ўзаро розилиги билан;

Хусусий шерик ўрнатилган тартибда суд томонидан банкрот ёки тўловга қодир эмас деб топилса ёхуд унинг фаолияти тугатилса;

Давлат шеригининг талаби бўйича – **Хусусий шерик** ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

Хусусий шерикнинг талаби бўйича – **Давлат шериги** ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

Суднинг қарорига мувофиқ, шу жумладан ДХШ лойиҳаларини тайёрлашда **Давлат шериги** ёки **Хусусий шерик** томонидан қонун бузилиш ҳолатларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда.

20.2. Битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади. Битимнинг амал қилиш муддати Тошкент вақти билан 20__ йил “ __ ” _____ соат 23:59 да тугайди.

20.3. Битим қўйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

Битимнинг 20.4-бандида кўзда тутилган тартибда Тарафлар келишуви бўйича;

Битимнинг 20.5-бандида кўзда тутилган тартибда **Хусусий шерик** томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли;

Тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки 20.6-бандида кўзда тутилган тартибда алоҳида ҳолатлар юзага келганда;

Битимнинг 20.7-бандига мувофиқ Форс-мажор ҳолатлари юз берганда;

20.4. Битимни Тарафларнинг келишуви бўйича муддатидан олдин бекор қилиш.

Тарафлар Битимни келишилган шартлар ва тартиблар асосида имзолаш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

20.5. **Давлат шериги** қўйидаги ҳолларда **Хусусий шерик** томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли, Битимни муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли:

Хусусий шерикнинг фаолияти ушбу Битимнинг 11.5-бандида кўрсатилган техник тақлифлар ва Миллий даволаш стандартларига номувофиқлиги;

Хусусий шерик мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

Хусусий шерикдаги улушларнинг бошқага ўтказилиши оқибатида **Хусусий шерик** томонидан тиббиёт маркази фаолиятида назоратнинг йўқотилиши;

Хусусий шерик суднинг қарорига асосан банкрот ёки тўловга қодир эмас деб топилиши;

Хусусий шерикнинг барча мулки ёки унинг катта қисмига ишончнома асосида иш юритувчи ёки тугатувчи тайинланган бўлиб, бу ҳолат лойиҳага жиддий таъсир кўрсатса ёки **Хусусий шерик**ка нисбатан суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса.

20.6. **Хусусий шерик** қўйидаги ҳолатларда Битимни муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кетма-кет 90 (тўқсон) календарь кун давомида **Хусусий шерик**нинг фаолиятига **Давлат шериги** ёки **Давлат ҳокимияти органи** томонидан салбий таъсир этувчи ўзгаришлар бўлса;

Хусусий шерикнинг мажбуриятларини бажаришга халақит берадиган, кетма-кет 180 (бир юз саксон) календарь кун давом этадиган алоҳида ҳолатлар;

Оқибатлари камида 15 (ўн беш) календарь кун давом этадиган Давлат аралашуви.

20.7. **Форс-мажор ҳолати сабабли Тарафнинг Битимни муддатидан олдин бекор қилиши.**

20.7.1. Тарафлардан бири агар Форс-мажор ҳолати кетма-кет 6 (олти) ойдан ортик давом этса, ушбу Битимни бажаришдан бош тортишга ва унинг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

20.7.2. Ушбу Битимнинг 20.5-бандига мувофиқ Битимни бир томонлама тартибда бекор қилмоқчи бўлган Тараф бошқа Тарафга 90 (тўқсон) календарь кун олдин бу ҳақда хабарнома юборади.

20.8. Битимни муддатидан олдин бекор қилиш тартиби

20.8.1. Битимнинг 20.3 ва 20.5-бандларида кўзда тутилган тартибда Битим муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, бекор қилишни бошлаган Тараф (бекор қилувчи томон) бошқа Тараф (хабар қилинган томон) га Битимни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида, бекор қилиш шартлари ва асослари, таклифлари, таклиф қилинган сана ва вазиятни ҳал қилиш муддати (бекор қилиш тўғрисида хабарнома) кўрсатилган ёзма хабар юбориши шарт.

20.8.2. Хабардор қилинган Тараф бекор қилиш тўғрисида билдиришнома олган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кун ичида бекор қилаётган Тарафга жавоб юбориши шарт. Агар вазиятни ҳал қилиш бўйича келишишнинг иложи бўлмаса, бекор қилувчи Тараф ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бекор қилиш хабарномасида кўрсатилган бекор қилиш санасидан бошлаб Битимни бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

20.8.3. **Давлат шеригининг айби билан Битим муддатидан олдин тугатилган тақдирда, Давлат шериги Хусусий шерикка тугатилиш компенсацияси сифатида Битимни муддатидан аввал тугатилиш сабабларидан келиб чиқиб, Хусусий шерик** томонидан лойиҳа доирасида жалб қилинган асосий воситаларнинг амортизациясини чиқариб ташлашдан кейинги қийматини тўлаб бериши шарт. **Давлат шериги** томонидан тақдим этилган асосий воситаларга тугатилиш компенсацияси ҳисобланмайди. Тугатилиш компенсациясини ҳисоблаш амалдаги қонунчилик шартларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

20.9. Битимни бекор қилиш даврида Тарафларнинг ҳаракатлари

20.9.1. Тиббий хизматларнинг узлуксиз тақдим этилишини таъминлаш учун **Хусусий шерик** тиббий хизматни объектни топшириш санасига қадар давом эттириши керак.

20.9.2. Битим бекор қилинишидан олдин **Хусусий шерик Давлат шеригининг** талабига биноан **Давлат шеригининг** ходимларига ускуналарни ишлатиш бўйича тренинглари ўтказиши ва керак бўлса, уларни бино, жиҳоз ва интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш қоидалари билан таништириши лозим. Турли хилдаги тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун ўқитиш бўйича бундай талаб:

Битим муддати тугашидан 3 (уч) ой олдин амалга оширилмаслиги керак;

ўқитиш 30 иш кунидан кўп бўлмаслиги керак;

Мазкур ўқитишларга мўлжалланган ходимларнинг энг юқори сони **Давлат шериги** томонидан белгиланади.

20.9.3. Битим муддатининг охири кунда ёки Битим муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, **Хусусий шерик** Битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин 10 (ўн) календарь кун ичида **Давлат шеригига** тақдим этиладиган активларни беғараз топшириши лозим.

20.9.4. ДХШ объекти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тузилган комиссия томонидан қабул қилинади.

20.9.5. **Хусусий шерик** топшириш пайтида тақдим этиладиган активларни ҳар қандай тақиқлар, гаровлар ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод бўлишини таъминлаши шарт.

20.9.6. Битимни бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки Битимнинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки Битимда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

21. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

21.1. Агар ушбу Битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Битим Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тартибга солинади ва талқин қилинади.

21.2. Ушбу Битим доирасида пайдо бўлган ҳар қандай низо, келишмовчилик ёки Тарафлар эътирози, жумладан унинг тушунилиши, бузилиши, тўхтатилиши ёки қонуний кучда эмаслиги, Тарафлар билдиришнома қабул қилиб олган санадан бошлаб музокаралар ўтказиш орқали 30 (ўттиз) кун ичида ҳал этишга ҳаракат қилишади. Агарда келишмовчиликлар 30 (ўттиз) календарь кун ичида бартараф этилмаган тақдирда, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси суди орқали ҳал этилади.

21.3. Ушбу Битимдан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ барча низолар, шу жумладан унинг мавжудлиги, яроқсизлиги ёки бекор қилиниши билан боғлиқ масалалар, ушбу Битимнинг 21.2.-бандида кўрсатилган тартибда ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Савдо-Саноат палатаси ҳузуридаги Тошкент халқаро арбитраж марказининг (ТИАС) арбитраж қоидаларига мувофиқ якуний ҳал қилиниши шарт. Арбитраж судининг ўтказиладиган жойи Тошкент халқаро арбитраж марказининг Арбитраж суди. Арбитраж тили Ўзбек тили.

22. ХАБАРДОР ҚИЛИШ

22.1. Ушбу Битимга биноан талаб қилинадиган ҳар қандай хабарнома ёки огоҳлантириш ўзбек тилида ёзма равишда топширилиши ва етказиб берилганлигини тасдиқлаган ҳолда буюртма хат билан ёки курьерлик хизмати орқали қуйидаги манзилларга етказилиши лозим:

Агар у **Давлат шеригига** йўлланган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси? 4 уй, тел.: 71-239-46-43,

электрон почта манзили: info@ssv.uz

Агар у **Хусусий шерикка** йўлланган бўлса:

[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛИ]

[ХУСУСИЙ ШЕРИК РАЎБАРИНИНГ Ф.И.О. ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМИ]

22.2. Тарафлар ўз манзилидаги ўзгаришлар тўғрисида, бундай ўзгаришлар киритилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида бир-бирларини хабардор қиладилар. Манзиллар ўзгарганлиги тўғрисида маълумот бўлмаганда, олдин маълум қилинган манзил бўйича етказилган барча хабарномалар белгиланган тартибда етказиб берилган ҳисобланади.

22.3. Хабарнома у қабул қилинган пайдан бошлаб кучга киради ва қабул қилинган ҳисобланади:

агар у курьер орқали юборилган бўлса, хабарнома тегишли манзилда топширилган кунда;

агар у рўйхатдан ўтган почта орқали юборилган бўлса, етказиб беришни тасдиқлаш билан;

хабардор қилинган Тараф вакили томонидан хабарнома олинган кун.

22.4. Иш куни бўлмаганда ёки у тугаганидан кейин қабул қилинган хабарнома, ундан кейинги иш куни қабул қилинган ҳисобланади.

23. ОШКОР ҚИЛМАСЛИК

23.1. Тарафлар ушбу Битимга мувофиқ, Тарафлардан бири томонидан тақдим этилган барча иловалар ва бошқа ҳужжатлар ва (ёки) маълумотларни ўз ичига олган ҳолда ушбу Битимнинг ҳамда уни бажариш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг (асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш жараёни, қувватлари ва ҳоказо) сирлилигини сақлаш мажбуриятини олади. Махфийликни сақлаш мажбурияти қўйидаги ахборотнинг ошкор қилинишига татбиқ этилмайди:

Тарафлардан бири унинг маслаҳатчилари ва молиялаштирувчиларига, агар бундай шахслар ҳам махфийликни сақлаш бўйича мажбурият олган бўлса;

Битим бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган шахсларга ва зарурий ҳолатларда;

очик бўлган маълумотларни;

агар қонунчилик талаб қилса;

суд ҳужжати ёки ваколатли давлат органининг бошқа топшириқларини бажариш учун.

23.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ Тарафлардан бири ўзининг маслаҳатчилари, молиялаштирувчи томонларига ва (ёки) давлат органларига махфий маълумотларни ошкор қилган тақдирда, бошқа Тарафни бундай ошкоралик тўғрисида 10 (ўн) иш куни ичида хабардор қилади.

24. ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ, МИҚДОРИ ВА МУДДАТЛАРИ

24.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан мажбуриятларнинг бажарилиши банк кафолати ёки кафиллик шартномаси билан таъминланиши мумкин.

24.2. ДХШ объекти бўйича мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган санадан эътиборан 1 (бир) ой муддатда _____ (сўз билан) сўм миқдорида (кейинги ўринларда – Кафолат суммаси) ва қуйида келтирилган шартлар бўйича **Давлат шеригига** Банк кафолатини ёки молиявий барқарор корхона Кафиллик шартномасини тақдим этади:

Кафолат берувчи банк ёки молиявий барқарор корхона Хусусий шерикнинг инвестиция юзасидан мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини ўз зиммасига олади;

Хусусий шерик инвестиция юзасидан мажбуриятларини бажармаган тақдирда Кафолат берувчи банк ёки молиявий барқарор корхона томонидан **Давлат шеригига** Кафолат суммасини тўлиқ тўлаб бериши шарт.

24.3. Банк кафолати ёки Кафиллик шартномаси ДХШ объекти ишга тушиб, фаолият кўрсата бошлагандан кейин ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

25. БИТИМ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25.1. Тарафлардан бири Битим мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу Тараф:

бошқа Тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

25.2. Битим (лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиши) бўйича Тарафларнинг ҳар бири олган мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда, бажарилмаган ёки кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси Битим бўйича бажарилмаган мажбурият баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш битим мажбуриятларини бузган Тарафни Битим бўйича мажбуриятларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

25.3. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ҳажми ва тури бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки Битимда белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, **Давлат шериги** ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, **Хусусий шерикдан** сифати, ҳажми ва тури лозим даражада бўлмаган ишларни, хизматларни қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишларни, хизматларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ҳажми ва тури лозим даражада бўлмаган ишларни, хизматларни етказиб берганлик учун жарима **Хусусий шерикдан** ундириб олинади.

25.4. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг, хизматларнинг сифати, ҳажми ва тури лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин 10 (ўн) иш куни ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолатларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ВА УНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ

26.1. Етказилган зарарларга қуйидагилар киради:

Битим мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли келиб чиққан зарарлар;

мол-мулк йўқолиши, бузилиши ёки шикастланиши муносабати билан Тарафлардан бири томонидан қилинган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлар.

26.2. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, Битим мажбуриятларини бузган Тараф иккинчи Тарафга ана шу зарар оқибатида етказилган зарар қисмини ҳам қоплайди.

26.3. Муддатини ўтказиб юбориш ёки Битим мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳолатлари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда Битим мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, Тарафларнинг Битимда белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

27. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК БИТИМИ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИШ ТАЛАБИ ВА ТАРТИБИ

27.1. ДХШ тўғрисидаги Битим муддати тугагандан кейин, **Хусусий шерик** қуйидаги талабларга ва тартибга риоя қилган ҳолда ДХШ объектини **Давлат шеригига** қайтаради:

27.2. Битим муддати тугагандан кейин 5 (беш) иш куни ичида Тарафлар топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузади. **Хусусий шерик** ушбу далолатномага асосан ДХШ объектига тегишли бино ва барча қурилган иншоотларни, ДХШ объектини барча модификациялари, ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ барча тегишли жихозлар, асбоб-ускуналар ва техникалар, шунингдек, техник ҳужжатларни, бино-иншоотларни инвентарлари билан **Давлат шеригига** соз ҳолатда қайтаради.

27.3. **Давлат шериги** ушбу топшириш-қабул қилиш далолатномасини 30 (ўттиз) иш куни ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ДХШ объектига бўлган ҳуқуқларни тегишли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказиши.

27.4. **Хусусий шерик** томонидан ДХШ объекти қайтарилаётган вақтда соз ҳолатда, эксплуатация қилиш муддати камида **5 йил**, инвентарлар ва тиббий асбоб-ускуналар учун яроқлилик муддати камида **1 йил** бўлиши лозим.

28. ЛОЙИХАНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

28.1. Мазкур лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари Битимнинг 7-иловасида келтирилган мезонлар асосида аниқланади.

28.2. **Хусусий шерик** лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичларини лойиҳанинг амал қилиш муддатида жами 12 ой давомида бажармаса, **Давлат шериги** музокаралар ўтказишга **Хусусий шерикни** таклиф қилади. Музокаралар **Хусусий шерикнинг** айби билан ижобий натижа бермаган ҳолатларда, **Давлат шериги** Битимни бекор қилиш ёки **Хусусий шерикни** алмаштиришга ёхуд унинг раҳбариятини алмаштиришга ҳақли.

29. БОШҚА ШАРТЛАР

29.1. Тарафларнинг вакиллари

29.1.1. Битимни амалга ошириш юзасидан самарали ҳамкорликни таъминлаш учун Тарафлар келишув билан боғлиқ барча масалалар бўйича ҳамкорлик учун ўз вакилларини тайинлашга ҳақлидир.

29.1.2. Тарафларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколат доираси ва муддати кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган ваколатларга эга бўлиши керак. Ваколатли вакилларнинг берилган ваколатлар доирасидаги ҳаракатлари Тарафларнинг ҳаракатлари деб баҳоланади.

29.2. Битимнинг ҳақиқийлиги

Битимнинг бирор-бир қисми ҳақиқий эмаслиги Битимнинг бошқа қисмлари ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Тарафлар ҳақиқий бўлмаган ёки ўз кучини йўқотган тартибни (қисмларини) ҳақиқийси билан алмаштириш учун тегишли вақт ичида Битимга ўзгартириш киритишга мажбурдирлар.

29.3. Битим тили ва нусхалар сони

Битим бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада ўзбек тилида имзоланди, бунда 1 (бир) нусхадан Давлат шеригига, Хусусий шерикка ва Ваколатли давлат органига берилади.

30. БИТИМГА ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

1.	Бинога бўлган техник талаблар, 1-илова
2.	Гиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклиф, 2-илова
3.	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жадвали, 3-илова
4.	Кўрсатиладиган хизматларнинг ўртача нархи, 4-илова
5.	Талаб қилинадиган рухсатномалар, 5-илова
6.	ДХШ лойиҳасининг молиявий ҳолати, 6-илова
7.	Лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари, 7-илова
8.	Инвестиция киритиш, реконструкция қилиш ҳамда ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш бўйича режа-жадвал, 8-илова
9.	Кадастр ҳужжатлари нусхаси, 9-илова

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Имзо: _____
Юридик бўлим бошлиғи:
Р.И.Махаммадиев

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида
тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги

Битимга 1-ИЛОВА

Бинога бўлган техник талаблар

Хусусий шерик объектни реконструкция қилишни, шунингдек, қуйидаги ҳолатларга мувофиқ уни бошқариш ва техник хизмат кўрсатишни таъминлаши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари:

Ер кодекси;

Шаҳарсозлик кодекси;

Фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида;

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида;

Стандартлаштириш тўғрисида;

Ёнғин ҳавфсизлиги тўғрисида;

Экологик экспертиза тўғрисида;

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

2016 йил 22 январдаги 15-сон “Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;

2018 йил 18 майдаги 370-сон “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”;

2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида”;

Бошқа меъёрий ҳужжатлар:

Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг 2000 йил 17 августдаги 38-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қурилишда ҳавфсизлик чоралари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ҚМҚ 3.01.02-00);

Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг 2004 йил 28 декабрдаги 82-сон буйруғи билан тасдиқланган (ШНҚ 2.01.02-04) шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин ҳавфсизлиги”;

Ўзбекистон Республикаси Ёнғин ҳавфсизлиги бош давлат инспекторининг 1997 йил 8 июлдаги “Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин ҳавфсизлиги қоидалари” тўғрисидаги 354-сонли қарори;

Қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш ишларини ташкил этишга қўйиладиган гигиеник талаблар санитария қоидалари (СанПиН 0289-10);

Тиббиёт муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича санитария қоидалари ва нормалари (СанПиН 0292-11);

Бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланиш, тиббий фаолият юритишга доир бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатлар.

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Давлат шериги:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида
тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 2-ИЛОВА

Тиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклиф

I. Инфратузилма режаси

1.1. Давлат-хусусий шериклик объекти ва ер майдони.

Хусусий шерик Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Тараққиёт МФЙда жойлашган Сирдарё вилояти перинатал марказига қарашли бўлган 4 000 кв.метрдан иборат ер майдонида жойлашган собиқ гинекология бўлими биноси негизида тиббиёт марказини ташкил этади.

Бундан ташқари, **Хусусий шерик** томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғида белгиланган тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага бўлган энг кам талаблар асосида тиббиёт марказини ташкил этиши лозим.

Хусусий шерик томонидан лойиҳанинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган умумий харажатлар қуйидагилардан иборат:

Харажатлар номи	Умумий қиймати (млрд.сўм)
Курилиш ишлари учун	_____
Тиббий ускуналар сотиб олиш учун	_____
Дастлабки фаолиятни йўлга қўйиш учун	_____
Жами харажатлар	_____

1.2. Тиббий ускуна ва жиҳозлар.

Хусусий шерик томонидан аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида қуйидаги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ўрнатилади ҳамда фойдаланилади:

№	Номи	Сони
1		
2		
3		
....		

1.3. Техник хизмат кўрсатиш режаси.

[Тендер ғолибининг тендер таклифлари ҳужжатларига асосан тўлдирилади]

II. Хизмат кўрсатиш режаси

[Тендер ғолибининг тендер таклифлари ҳужжатларига асосан тўлдирилади]

III. Кадрлар билан таъминлаш режаси

3.1. Кадрлар билан таъминлаш даражаси.

[Тендер ғолибининг тендер таклифлари ҳужжатларига асосан тўлдирилади]

3.2. Лойиҳани амалга ошириш даврида узлуксиз малака ошириш режаси.

[Тендер ғолибининг тендер таклифлари ҳужжатларига асосан тўлдирилади]

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида
тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги

Битимга 3-ИЛОВА

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жадвали

Ушбу Битимга ёзма шаклда қўшимча битим тузиш орқали, муддатини узайтириш йўли билан, ушбу 3-илова (ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жадвали) га мувофиқ ўрнатилган муддатлар ўзгартирилиши (Битим амал қилиш муддатини ўзгартириш бундан мустасно) мумкинлиги томонлар ўртасида келишиб олинди.

Тадбир	Муддат
Давлат шериги Хусусий шерикка ДХШ объектини топшириш	
Хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг имзоланиши санаси	
ДХШ объектининг Давлат шеригига қайтарилишига тайёргарлик	
Хусусий шерик ДХШ объекти ва у бўйича барча зарур хужжатларни Давлат шеригига беради, Давлат шериги эса қабул қилиб олади	
Хусусий шерик ҳуқуқлари тугатилишининг Давлат рўйхатидан ўтказилиши	

[Ушбу илова Тендер ғолиби ёки Захирадаги ғолиб томонидан тўлдирилади]

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
 [ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида тузилган
 давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
 Битимга 4-ИЛОВА

Кўрсатиладиган хизматларнинг ўртача нархи (минг сўм)

Тиббий хизмат номи	Бир текширув ўртача нархи	Тўлик қувватда хизмат кўрсатиш миқдори, (йиллик)	1-йил (%)	2-йил (%)	3-йил (%)	4-йил (%)	5-йил (%)	6-йил (%)	7-йил (%)	8-йил (%)	9-йил (%)	10-йил (%)
....												
Жами												

[Ушбу илова Тендер голиби ёки Захирадаги голиб томонидан тўлдирилади]

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Давлат шериги:

Имзо: _____
 Директор:
 [Хусусий шерик Ф.И.О.]
 М.Ў.

Имзо: _____
 Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари: А.Ш.Иноятов
 М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида
тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 5-ИЛОВА

Талаб қилинадиган рухсатномалар

Объектга нисбатан:

Ўзбекистон Республикаси давлат экологик қўмитаси қошидаги давлат экологик экспертиза маркази томонидан бионалар ва асбоб-ускуналар бўйича давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан бинонинг ёнғин хавфсизлиги ва зилзилага чидамлилиги бўйича ижобий экспертиза хулосаси;

Давлат санитария ва эпидемиология назорати ҳудудий бошқармалари томонидан берилган санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена меъёрларига мувофиқлиги учун бинонинг, сув таъминоти, канализация ва оқава сувларни тозалаш тизимлари, гидротехник иншоотлар ҳолати хулосаси;

Агар объект тегишли қўриқланадиган ҳудудда жойлашган бўлса, тарихий ва маънавий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли органнинг хулосаси (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги);

Тегишли коммунал ташкилотлар томонидан берилган электр, сув, канализация, иситиш ва газ каби умумий тармоқларга уланиш учун муҳандислик техник хусусиятларини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа зарур рухсатномалар.

Тиббиёт буюмлари (жиҳозлар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қўшимча қисмлар, сарф материаллари ва бошқалар) ва дори-дармонларга нисбатан:

дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигидан рўйхатдан ўтказиш;

дори-дармонлар ва тиббий буюмларни олиб кирилишидан олдин сертификатлаштириш;

хизматлар кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига **Хусусий шерик** томонидан олиб кириладиган тиббий буюмлар, дори-дармонлар ва бошқа товарларнинг божхона рухсатномалари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа зарур рухсатномалар.

Ходимларга нисбатан:

Олий ёки ўрта тиббий маълумот тўғрисидаги диплом, шунингдек, тегишли мутахассис (Олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим (аспирантура, резидентура, стажировка, интернатура) асосида ва қўшимча маълумот (малака ошириш, мутахассислик) асосида берилган маълумотнома;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари томонидан берилган тегишли визалар;

яшаш жойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг туман бўлимларида рўйхатдан ўтиш;

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги **Хусусий шерикка** бериладиган рухсатнома;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилган меҳнат ҳуқуқининг тасдиқланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа зарур рухсатномалар.

Тиббий хизматлар учун:

Давлат шериги томонидан берилган тиббий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия;

Тиббий чиқиндиларни ташлаш ёки утилизация учун рухсатнома;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа зарур рухсатномалар.

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида тузилган
давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 6-ИЛОВА

ДХШ лойиҳасининг молиявий ҳолати

ДХШ лойиҳасига киритиладиган инвестиция миқдори ва олинadиган фойда ҳақида маълумот (минг сўм)

	Инвестиция миқдори (минг сўм)	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	6-йил	7-йил	8-йил	9-йил	10-йил
Тушум											
Умумий харажатлар											
Соф фойда											

[Ушбу илова Тендер голиби ёки Захирадаги голиб томонидан тўлдирилади]

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида
тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 7-ИЛОВА

Лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари

Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

1. Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, беморларда тиббиёт маркази бўйича шикоятларнинг миқдори, умумий сўровнома ўтказилган беморлар сонига нисбатан 10 фоиздан ошмаслигига эришиш.

2. **Хусусий шерик**нинг 8-иловада келтирилган миқдорлардан кам бўлмаган ҳажмда инвестиция киритиши.

3. **Хусусий шерик** томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 6-иловадаги кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилиши.

4. **Хусусий шерик** [ХУДУД ВА АҲОЛИ ТОИФАСИ] га [ТИББИЙ ХИЗМАТ ТУРИ]ни [ИМТИЗЛИ / БЕПУЛ] асосда кўрсатади.

5. **Хусусий шерик** тиббий асбоб-ускуналарни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва муддатларда доимий даврий метрологик қиёслаш текширувларидан ўтказиши.

6. **Хусусий шерик** томонидан лойиҳани амалга ошириш доирасида ____ нафар янги иш ўрни яратилиши.

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Давлат шериги:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида тузилган
давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 8-ИЛОВА

**Инвестиция киритиш, реконструкция қилиш ҳамда ускуна ва жихозларни ўрнатиш бўйича
режа-жадвал**

№	Амалга ошириладиган ишлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
				Жами	
			сони	сумма, минг сўм	сони	сумма, минг сўм
1	Бинони реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари					
2	Тиббий ускуналар сотиб олиш учун					
3	Дастлабки фаолиятни йўлга қўйиш учун					
	Жами					

[Тендер голиби ёки Захирадаги голиб томонидан тўлдирилади]

ТАРАФЛАР ИМЗОЛАРИ

Хусусий шерик:

Имзо: _____
Директор:
[Хусусий шерик Ф.И.О.]
М.Ў.

Давлат шериги:

Имзо: _____
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи
ўринбосари: А.Ш.Иноятов
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
[ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ] ўртасида тузилган
давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
Битимга 9-ИЛОВА

Кадастр хужжати нусхаси

[Битим тузилганда илова қилинади]